

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қишлоқ хўжалиги машиналари,
фойдаланиш ва таъмирлаш
кафедраси

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ВА МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ
ФАКУЛЬТЕТИ ТАЛАБЛАРИ УЧУН
«МАШИНАЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ ВА ТАЪМИРИ»
ФАНИДАН МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ
ДАСТУРИ**

Самарқанд -2008

Мазкур дастур қишлоқ хўжалиги машиналари, фойдаланиш ва таъмирлаш кафедраси йиғилишида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Баённома № ____ « ____ » _____ 2008 йил.

Кафедра мудири, доцент

З.Абдуғаниев

Дастур қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш факултети услубий кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этиш учун тавсия этилган.

Баённома № ____ « ____ » _____ 2008 йил.

Услубий кенгаш раиси, доцент

Т.Остонов

Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти марказий услубий кенгашида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия этилган.

Баённома № ____ « ____ » _____ 2008 йил.

Услубий кенгаш котиби, доцент

Н.Рахимов

Тузувчилар:

Нарбаев Х.-ҚХМ, фойдаланиш ва таъмирлаш кафедраси доценти.

Хаитов Т.-ҚХМ, фойдаланиш ва таъмирлаш кафедраси ассистенти.

Такризчилар:

Зоҳидов С.– Самарқанд Давлат университети Касбий таълим услубияти кафедраси доценти, т.ф.н.

Мусурмонов А.Т. – Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти Қишлоқ хўжалиги машиналари, фойдаланиш ва таъмирлаш кафедраси доценти, т.ф.н.

Кириш

Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалда бажара боришда малакавий амалиётларни ўтказиш ва ташкил этиш ҳамда уларни давр талабларига мос ҳалда такомиллаштириб бориш катта аҳамият касб этади.

Институтда малакавий амалиётлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида Низом»га асосан ташкил этилади ва ўтказилади.

5630100-қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналишида малакавий амалиётларни замонавий йирик заводларда, туман машина-трактор паркларида (МТП), муқобил машина-трактор паркларида (ММТП), ихтисослаштирилган таъмирлаш корхоналарида, техник сервис марказларида (ТСМ) ва бошқа корхоналарда ўтказиш бўйича бой тажриба тўпланган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни механизациялаштириш жараёнига янги замонавий техникаларининг кириб келиши шу соҳа мутахассисларидан машиналарни таъмирлашнинг замонавий технологияларини ва усулларини қўллай била олиш, таъмирлаш жараёнида қўлланиладиган технологик жиҳозлардан малакали фойдаланиш ва уни бошқаришни йўлга қўя олиш, техник сервис хизмати ишларини ташкил эта олиш ва қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш бўйича мақбул тавсиялар бера олиш талаб этилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, мазкур дастурда талаба малакавий амалиётни ўтиш даврида нималарга эътибор қаратиши кераклиги баён этилган.Шунинг учун ушбу дастур асосида ҳар бир талаба амалиёт бўйича ҳисобот ёзади ва кафедрада ҳимоя қилади.

АМАЛИЁТ ДАСТУРИ

Амалиётнинг мақсади ва вазифаси

Малакавий амалиётнинг асосий мақсади талабаларнинг назарий жихатдан олган билимларини мустахкамлаш ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, амалий куникма ҳосил қилиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун амалиётнинг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- муқобил машина-трактор паркларида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этишни таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган техникаларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ишларининг усулларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришда бажариладиган аниқ технологияларни қўллай била олиш;

- деталларни тиклаш технологиялари бўйича амалий кўникма ҳосил қилиш;

- замонавий чет эл техникаларига (жумладан, Магнум тракторлари, КЕЙС комбайнлари ва бошқалар) техник сервис хизмат кўрсатиш ишларини ташкил эта билиш;

- техник сервис марказининг ишлаш фаолиятини таҳлил қилиш;

- малакали инженер-техник хизматини ташкил этиш тажрибасини ўрганиш, машиналарни таъмирлаш технологияси бўйича амалий билим олиш ва қўллай билиш;

- бозор иқтисодиёти шароитида МТПларнинг замонавий трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан, шу жумладан чет эл техникаларидан фойдаланишда уларга сервис хизмат кўрсатиш ишларига кетган харажатларни аниқлай олиш ва таҳлил қила билиш ва бошқалар.

Амалиётни ўтиш даврида ҳар бир талаба корхона жамоаси олдида турган ишларни бажаришда фаол қатнашиши зарур.

АМАЛИЁТНИ ЎТКАЗИШ ЖОЙИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Амалиётни ўтказиш муддати-2 ҳафта.

Талабалар амалиётни ўтиш жойи сифатида Самарқанд «КЕЙС-А» техник сервис маркази, Самарқанд автомобиль заводи, туман МТПлари, ихтисослаштирилган таъмирлаш корхоналари, муқобил машина-трактор парклари ва бошқа жойларга жўнатилади. Талабалар гуруҳларга бўлиниб, уларнинг сони корхона имкониятидан келиб чиққан ҳолда юборилади.

Амалиётга жўнатишдан олдин талабаларга кафедрада хавфсизлик техникаси чора-тадбирлари бўйича инструктаж ўтказилади ва қайд этиш дафтарига ҳар бир талаба имзо чекади. Бундан ташқари, амалиёт ўтиш жойига келган талабага корхона маъмурияти томонидан чиқарилган буйруққа асосан маълум вазифа белгиланади ва иш жойида хавфсизлик техникаси бўйича кўрсатма олади.

Хавфсизлик техникаси бўйича инструктаж олмаган талабаларга амалиётни ўтиш учун рухсат этилмайди.

Амалиёт даврида талаба ушбу корхонанинг барча ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши шарт.

Амалиёт ўтадиган талабаларга раҳбар этиб қуйидаги шахслар тайинланади:

1. Илмий-услубий жихатидан-институт профессор-ўқитувчиси.

2. Ташкилий-техник жихатдан-корхона раҳбарининг бўйруғи билан инженер-техник ходимлари таркибидан беркитилган мутахассис.

Кафедра ва корхона томонидан беркитилган амалиёт раҳбарлари мунтазам равишда талаба томонидан амалиётни ўтиш режасининг бажаришини, талабанинг кундалик дафтарини тўлдиришини ва ҳисоботни ёзишни назорат қилиб боради, шунингдек, унга зарур бўлган маълумотларни тўплашга имконият яратиб беради. Амалиёт тугаши билан унга ишлаб чиқариш тавсифномасини беради.

Талаба машиналарни таъмирлаш усуллари ва тиклаш технологиясини ўрганишда ишчи жойларида ишчи сифатида ишлайди. МТПда, ММТПда, таъмирлаш корхонасида таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва унинг иқтисодий кўрсаткичларини бутун амалиёт даврида устахона мудир, цех бошлиғи ёрдамчиси сифатида ўрганади.

Талаба амалиётни ўтиш даврида мунтазам равишда кундалик ёзиб боради ва амалиёт ҳақида ҳисобот ёзади. Кундаликда талаба томонидан бир кунда бажарилган ишнинг турлари ва ҳажми кўрсатилади (Кундалик ёзиш шакли иловада берилган).

Ҳисобот талаба томонидан амалиётни ўтиш даврида таъмирлаш корхонасига тааллуқли маълумотлар асосида белгиланган режа бўйича ёзилади. Унда ҳозирги кунда қўлланилаётган таъмирлаш технологиясининг афзалликлари ва камчиликлари, замонавий чет эл техникаларига техник сервис хизматининг қандай йўлга қўйилишини таҳлил қилиш натижалари, таъмирлаш технологиясини яхшилаш ва таъмирлашни ташкил этиш усуллари, машиналарни таъмирлаш таннархини камайтириш, таъмирлаш сифатини яхшилаш бўйича тавсиялар берилади.

Ҳисоботда мавжуд МТП ДАЖларида замонавий чет эл техникаларига (Магнум тракторлари ва КЕЙС комбайнларига) техник сервис хизмати кўрсатиш структураси кўрсатилади.

Амалиёт натижаси бўйича ёзилган ҳисобот, кундалик ва ишлаб чиқариш тавсифномаси институт томонидан тайинланган раҳбарга текшириш учун топширилади ва амалиёт бўйича ёзилган ҳисобот кафедрада ҳимоя қилинади.

АМАЛИЁТНИНГ МАЗМУНИ

Талаба амалиёт ўтиш давомида белгиланган ишчи жойларда ишлаш билан биргаликда, таъмирлаш корхонасида бажариладиган асосий таъмирлаш ишларининг технологияси, яъни қисмларга ажратиш, ювиш, нуқсонларни аниқлаш, тахлаш, машиналарни (двигателларни) таъмирлаш, йиғиш, чиниқтириш, синаш, бўёқлаш ҳамда трактор ва автомобилларнинг шассиси,

юриш қисми агрегат ва узелларини, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик машиналарининг ишчи органлари ва агрегатларини таъмирлаш билан яқиндан танишади.

Бу саволларни ўрганишда деталларни пайвандлаш ва суюқлантириб қолаш, механик ишлаб бериш, пластик деформациялаш, полимер материаллар, электроэрозия ва бошқа усуллар ёрдамида тиклаш билан яқиндан танишиши зарур.

Бунда асосий эътиборни деталларни тиклашда қўлланиладиган у ёки бу усулни танлашда корхона томонидан фойдаланиладиган мезонга қаратиш лозим.

Корхонада тиклаш, таъмирлаш ишлари ва техник сервис хизматининг ташкил этилиши ва унинг иқтисодиётини ўрганишда қуйидаги саволлар билан танишиш тавсия этилади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти;
- деталларни таъмирлаш ёки тиклашда қўлланиладиган технологиялар;
- деталларни у ёки бу усул билан тиклашда қўлланиладиган технологик хариталарни тузишни ўрганиш;

- корхонанинг хизмат кўрсатиш зонаси;
- бошқа таъмирлаш корхоналари ва техник сервис марказлари билан ўзаро боғлиқлиги ва кооперацияси;

ишлаб чиқаришдаги асосий ва ёрдамчи ишчилар, инженер-механик, инженер-техник ходимлар, хизмат кўрсатувчилар, кичик хизмат курсатувчилар штати;

- корхона бошқариш структураси;
- таъмирлаш устахонасидаги участка, бўлим ва цехларнинг жойлашиши ва улардаги асосий технологик жихозларнинг ўрнатилиши;

- меҳнатни ташкил этиш шакллари ;
- импорт техникаларига (Магнум тракторлари ва КЕЙС комбайнлари) техник сервис хизмат кўрсатиш тизими;

- таъмирлаш усуллари (эгазизлантирилган, эгазизлантирилмаган, агрегат);
- машиналарни таъмирлашда қўлланиладиган ишлаб чиқариш жараёнининг схемаси;

- диспетчерлик хизмати;
- технологик жараёнлар бўйича техник ҳужжатлар;
- техник назоратни ташкил этиш (шакллари, турлари, усуллари, назорат-текширув асбоблари ва қуролларининг етарлиги ва уларнинг мавжудлиги, таъмирлаш сифатини назорат этиш техник хизматида қўлланиладиган ҳужжатлар ва асбоблар);

- меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича ишлар, рационализаторлик ва кашфиётчилик, стандартлаш ишлари;

- машиналарни таъмирлашнинг режадаги ва ҳақиқий калькуляция нархлари, жумладан, харажатлар турлари бўйича-меҳнат ҳақи, эҳтиёт қисмлар нархи, асосий материаллар, умум хўжалик ва умум ишлаб чиқариш бўйича харажатлар;

- корхонанинг ўтган 3 йил мобайнидаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари;

-импорт техникаларига (Магнум, КЕЙС) кўрсатиладиган сервис хизмати даврийликлари;

-атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни ўрганиш ва корхонанинг ички ресурсларидан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш;

-техникаларга сервис хизматини кўрсатишда, таъмирлаш ёки тиклаш ишларини бажаришда ўзаро тузилган шартнома шартларининг бажарилиш даражасини ўрганиш ва бошқалар.

ҲИСОБОТ МАЗМУНИ

1. Кириш.
2. Корхонанинг (МТП, ММТП, ихтисослашган таъмирлаш корхонаси ва бошқалар) қисқача характеристикаси, жойлашиши, хизмат кўрсатиш зонаси, йўналиши ва бошқалар.
3. Туман МТП ва ММТП да мавжуд техникаларга техник хизмат кўрсатиш тизими.
4. Таъмирлаш корхонасида деталларни пайвандлаш ва қошлаш, пластик деформациялаш, полимер материаллар, механик ишлаб бериш ва бошқа усуллар билан тиклаш технологик жараёни. Машинанинг энг характерли деталларини тиклаш технологик жараёнларининг режимлари, операция ва жиҳозлари, деталларни тиклаш мақбул усулини танлашда қўлланиладиган мезонлар.
5. Двигателларни ёки машиналарни таъмирлаш технологияси: йиғиш, ростлаш, чиниқтириш ва синаш, фойдаланиладиган жиҳозлар, мосламалар ва асбоблар.
6. Трактор ва автомобилларнинг шасси ва юриш қисми агрегатларини таъмирлаш технологияси.
7. Қишлоқ хўжалик машиналарини (агарда корхонада бу ишлар бажарилса), шу жумладан, уларнинг ишчи органларини таъмирлаш технологияси. Тупроққа ишлов бериш, экиш ва ўтқазиш машиналари, ғалла ўриш ва махсус комбайнлар, ўғит сепиш машиналари, озуқа тайёрлаш машиналарни ва бошқаларни таъмирлаш ҳамда техник сервис хизмати кўрсатишда қўлланиладиган жиҳозлар, мосламалар ва асбоблар.
8. Корхонадаги барча ишчи ва ходимларнинг штати.
9. Таъмирлаш корхонасини бошқариш структураси.
10. Цехнинг (бўлим, участка) ўрни ва ундаги жиҳозларнинг ва катта габаритли таъмирлаш объектларининг жойлашиши.
11. Цехда (бўлим, участкада) машиналарини (агрегатларни) таъмирлашнинг ишлаб чиқариш жараёни схемаси.
12. Корхонада (цехда, бўлимда, участкада) техник назоратни ташкил этиш. Назоратнинг шакллари, усуллари, турлари ва босқичлари назорат-ўлчов жиҳозлари ва асбобларининг мавжудлиги ва етарлиги.
13. Машиналарни таъмирлаш таннархини таҳлил қилиш.
14. Импорт техникаларига (Магнум, КЕЙС) техник сервис хизмати кўрсатиш ҳаражатларининг турлари бўйича калькуляцияси, меҳнат ҳақи, эҳтиёт

қисмлар нархи, асосий материаллар нархи, умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик (накладной) ва бошқа харажатлар.
15.Жамоа ишларида фаол этиш.

ҲИСОБОТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Ҳисобот 25-30 бет ҳажмида қўлёзма тарзида 11 форматдаги қоғознинг бир томонига ёзилади.

Ҳисоботда келтирилган ҳар бир боб ёки бўлим қисқача умумлаштирувчи хулоса ёки таҳлил билан тугаши зарур.

Жадваллар тартиб рақамига ва номига эга бўлиши керак. Тестдаги материаллар мумкин қадар чизма, фотосурат, диаграмма ва бошқалар билан ёритилиши зарур.

Ҳисоботнинг ҳар бир боб ёки бўлими янги варақдан бошланади ва рим рақами билан белгиланган тартиб рақамига эга бўлади.

Боб ёки бўлим бандларининг рақамланиши боб ёки бўлим рақамига қараб тузилади, масалан 1.1, 1.2, 1.1.3 ва ҳоказо.

Барча қисқартиришлар ва белгилашлар умум қабул қилинган қоидалари асосидагина ёзилиши шарт.

Амалиёт якуни бўйича ҳар бир талаба белгиланган тартибда ҳисобот ёзади. Амалиёт объектидан тайинланган раҳбар имзолаган ва тасдиқланган кундалик дафтари билан биргаликда ҳисоботни талаба институт томонидан тайинланган раҳбарга топширади ва кафедрада тузилган комиссия олдида ҳимоя қилади.

Талабалар томонидан ёзиладиган ҳисоботда амалиёт ўтиш даврида бажарилган ишлар тўғрисида маълумотлар, деталларни тиклаш режимлари, таъмирлаш усуллари, таъмирлаш ва деталларни тиклаш таннархлари, таъмирлаш ва техник сервис хизмат кўрсатишнинг ташкил қилиниши, амалиёт натижалари бўйича хулоса, таклиф ва бошқалар акс эттирилиши лозим.

Амалиётни ўтиш даврида талаба амалиёт объектига мос ҳолда иловаларда келтирилган маълумотларни олиши ва улардан ҳисоботни ёзишда самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Йулдошев Ш.У. Машиналар ишончлилиги уларни таъмирлаш асослари.Т.: Ўзбекистон. 1994. - 479 б.
2. Технология ремонта машин и оборудования. /М.В.Авдеев, Е.Л. Валовик, И.Е. Ульман. –М.: Агропромиздат, 1986, 247 с.
3. Ремонт машин. /Под ред.Тельнова Н.Ф.-М.: Агропромиздат, 1992.-560 с.
4. Икромов Ў ва бошқалар. Тракторларни ишлатиш ва таъмирлаш асослари/ Ў. Икромов, А.Эргашев, М.Сабликов. –Т.: Ўқитувчи, 1995. – 224 б.
5. Надежность и ремонт машин/ В.В.Курчаткин, Н.Ф.Тельнов, К.А.Ачкасов и др.; Под ред. В.В.Курчаткина. – М.: Колос, 2000. – 776 с.
6. Техническое обслуживание и ремонт машин/ И.Е.Ульман, Г.С.Игнатъев, В.А.Борисенко и др.; Под общ. ред. И.Е.Ульмана. – М.: Агропромиздат, 1990. – 399 с.

Иловалар

**«Машиналар ишончилиги ва таъмири» фанидан ўтказиладиган
малакавий амалиёт бўйича кундалик дафтарни ёзиш шакли**

Т/р	Сана	Бажарилган ишларнинг қисқача мазмуни	Раҳбарнинг имзоси
1.	10.10.08 й	Амалиёт жойига бориш.	
2.	11.10.08.	Амалиёт объектини белгилаш, ҳавфсизлик техникаси бўйича инструктаж олиш, ҳужжатларни расмийлаштириш.	
3.	12.10.08.	Таъмирлаш устахонасининг умумий схемаси билан танишиш ва ҳоказо.	
	• • • •		
	• • • •		

I. Амалиёт объект-муқобил машина-трактор парк (ММТП)

Фермер хўжаликлари уюшмаси ММТП ният кўрсаткичлари

Т/р	Қишлоқ хўжалик техникаларининг маркази	Сони	1 йилда бажарилган иш ҳажми, мото-соат, ш.э.т.га ва бошқалар.	1 гектар майдонга ишлов беришда "ёниги сарфи, кг ёки литр	Шундан				Изо х
					шўрт ора шўрт	боронала шўрт	култивати шўрт	ва ҳоказо	
1.	T-28 X4M								
2.	TT3-80.11								
3.	MT3-80X								
									
									
	ПЯ-3-35								
									
	ДЭМ-3,6								
									
									

Юқоридаги маълумотлардан ташқари, қўйидаги масалалар ҳам ҳисоботда ёритилади.

1. Фермер хўжаликлари уюшмасининг умумий майдони, уларнинг экин турлари бўйича тақсимланиши

Т/р	Экин турлари	Майдони, га	Охирги 3 йилдаги ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Шундан			Ялпи ҳосил, т	Изоҳ
				1 йил	2 йил	3 йил		
1.	Пахта							
2.	Ғалла							
3.	Маккажўхори							
...								
...								

2. ММТП шароитида мавжуд техникаларга техник хизмат кўрсатиш (сервис хизмати) пунктининг планировкаси, уларда қўлланиладиган асбоб ва ускуналар ва бошқалар.
3. ММТП устахонасида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг ҳолати, унинг таҳлили.
4. Ҳар бир техникага кўрсатиладиган хизмат турлари (ҳар бир техник хизмат кўрсатиш ёки сервис хизмати тизими учун алоҳида қайд этилади), даврийликлари ва уларга амал қилиниши, ўтказилиш тартиби ва бошқалар.
5. ММТПда мавжуд бўлган техникаларнинг бир йилда бажарадиган ишлар ҳажмини ҳисобга (учёт) олиш тартиби.

6. ММТП шароитида қишлоқ хўжалик техникаларининг сақланиш ҳолати.
7. ММТПда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик техникаларини жорий таъмирлаш тизимининг фаолияти ва унинг таҳлили ва бошқалар.
8. Мавжуд техникаларни таъмирлашда меҳнатни ташкил этиш формалари.
9. Мавжуд техникаларни таъмирлашда ёки уларга техник хизмат кўрсатишда меҳнатга ҳақ тўлаш тизими.
10. ММТПнинг иқтисодий кўрсаткичлари.
11. ММТПда таъмирлаш ишларини яхшилашга доир таклифлар.
12. Хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши тадбирлар.
13. Ишлаб чиқариш ишчилари, ходимларининг сони ва бошқалар.

II. Амалиёт объекти-туман машина-трактор парки (МТП)

Туман МТП нинг кўрсаткичлари

Т/р	Қишлоқ хўжалик техникаларининг маркази	Сони	1 йилда бажарадаган иш ҳажми, мото-соат, ш.эт.га. ва бошқа	1 гектар майдонга ишлов беришда "ёнилни сарфи, кг	Шундан				Изоҳ
					шундан	бороналашда	кутилганда		
1	Магнум								
2	КЕЙС								
3	ТТЗ-80.10								
4	ТТЗ-80.11								
5	ТТЗ-100К.10								
6	ТТЗ-100К.11								
7	МХ-135								
									
									

Юқоридаги маълумотлардан ташқари қуйидаги саволларга ҳам маълумотлар келтирилади

1. Сервис хизмати кўрсатиш пунктининг планировкаси.
2. Сервис хизмати кўрсатишда қўланиладиган асбоблар, жиҳозлар, мосламалар ва бошқалар ҳақида маълумот.
3. МТПда диспетчерлик хизмати, унинг фаолияти
4. МТПда мавжуд бўлган трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларининг йиллик бажарган иш ҳажмини ҳисобга олиш (учёт) тартиби
5. Сервис хизмати кўрсатиш тизимининг фаолияти ва унинг таҳлили
6. Жорий таъмирлаш тизимининг фаолияти ва унинг таҳлили
7. Сервис хизмати кўрсатишда (ҳар бир техник сервис алоҳида кўрсатилган ҳолда) бажариладиган ишлар мажмуи.
8. Қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизмати кўрсатишдаги (ҳар бир техник сервис алоҳида кўрсатилган ҳолда) харажатлар ва бошқалар.
9. МТПда машиналарни таъмирлашда меҳнатни ташкил этиш формалари
10. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими.
11. МТПнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари
12. МТПда мавжуд бўлган техникалардан фойдаланиш ва уларга сервис хизматини кўрсатишни яхшилашга оид таклифлар.
13. Хавфсизлик техникаси ва ённингга қарши тадбирлар.
14. Ишлаб чиқариш ишчилари, ходимларининг сони ва бошқалар.

Ш.Амалиёт объекти-ихтисослаштирилган таъмирлаш корхонаси

Бирон бир таъмирлаш объектини таъмирлаш ёки тиклаш бўйича ихтисослаштирилган корхонанинг кўрсаткичлари

Т/р	Таъмирланган ёки тикланган объектнинг номи	Йиллик режа	Таъмирлаш ёки тиклаш тури	1 та объектни таъмирлаш ёки тиклаш харажати, сўм	Изоҳ

Юқоридаги маълумотлардан ташқари куйидаги масалалар ҳам ҳисоботда ёритилиши зарур:

1. Корхонанинг номи, хизмат кўрсатиш зонаси ва бошқалар.
2. Таъмирланган объектни таъмирлаш турлари.
3. Корхонада тикланаётган детални тиклаш усули.
4. Объектни таъмирлаш ёки тиклаш таннарни.
5. Деталларни тиклаш режимлари.
6. Деталларни тиклашнинг мақсадга мувофиқлиги ва қўлланилаётган технология.

7. Таъмирланган ёки тикланган объектнинг ресурси.
8. Таъмирланган ёки тикланган объектни чиниқтириш ва сынаш.
9. Тикланадиган деталлардаги характерли нуқсонлар
10. Таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажаришда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш тадбирлари.
11. Машиналарни таъмирлаш ёки деталларни тиклаш технологик жараёнини яхшилашга оид таклифлар.
12. Машиналарни таъмирлаш ёки деталларни тиклаш корхонасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари.
13. Мехнатга ҳақ тўлаш тизими.
14. Ҳавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши тадбирлар.
15. Машиналарни таъмирлашда меҳнатни ташкил этиш формалари.
16. Ишлаб чиқариш ишчилари, ходимларининг сони ва бошқалар.

**Самарқанд ҚХИ Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва
маҳсулотларни қайта ишлаш факултети талабаларининг
«Машиналар ишончилиги ва таъмири» фанидан малакавий
амалиётини ўташ учун
йўлланма**

Талаба _____
(Н.И.Ш)

Амалиёт тури _____

Амалиётни ўташ учун _____

_____ га юборилди.
(корхона номи)

Амалиёт ўташ муддати «__» _____ 200 йилдан «__» _____ 200
йилгача

Институт томонидан амалиёт раҳбарлари _____

(лавозими, Н.И.Ш)

М.Ў ҚХМ ва маҳсулотларни
қайта ишлаш факултети
декани

ИМЗО

Корхона томонидан амалиёт раҳбари _____

(лавозими Н.И.Ш)

М.Ў. «__» _____ 200 й. амалиётга келди.

М.Ў. «__» _____ 200 й. амалиётдан жўнаб кетди.

ИМЗО

